



Тарихий манбаларга кўра, Темурийлар ва уларнинг давомчиси Бобурийлар хонадони ва сулоласида мухаббатни кадрлаш туйғуси жуда кучли бўлган. Улар жанггохларда канчалик душманга шафкатсиз бўлишса, севгида шунчалик кўнгли юмшоқ инсонлар бўлган. Бобурнинг малика Мохимбегимга бўлган хурмат ва севгиси, Жалолиддин Акбар, Жаҳонгир, айникса, Шохжаҳоннинг ўз хотинига мухаббати ва дунёда ягона ишк биносини кургани дунё ахлини хануз хайратга солади.

Биз маколада Захириддин Мухаммад Бобурнинг иккинчи фарзанди Комрон мирзо ва хотини Мохчучукбегим ораларида бўлган севги, вафо ва садокат хакида сўз юритмоқчимиз. Негаки, бу севги ҳам хамиша ибрат ва ўрнак намунаси бўлиб қоладиган хикоялардан биридир.

Маълумки, Комрон мирзо отаси Бобур подшоҳнинг ўлиmidан кейин акаси Хумоюн мирзога кўп қаршиликлар кўрсатиб, оқибат енгилиб қўлга тушди ва Хумоюн мирзо буйруғи билан милодий 1581 йилда қўзига ништар урилди.

Ушбу воқеадан сўнг Хумоюн мирзо Синд қирғоғига етганида Комрон мирзо ундан Хижозга сафар қилиш ва Хаж фарзини адо қилишга рухсат беришини сўради. Хумоюн мирзо рухсат бериш учун бир неча яқин қишилари билан Комрон мирзонинг хирғохига хайрлашгани қириб борди.

Комрон мирзо фарзандларини Хумоюнга топшириб, улардан хабардор бўлишини сўради. Хумоюн бу истакни қабул қилиб, Комрон мирзога ҳамроҳ бўлишни истаган одамларга ҳам рухсат бермоқчи эди, лекин фурсатталаб ва қалтабин қишилар орасида унга ҳамроҳлик қиладиганлар топилмади. Фақатгина Чалма Қўқа авваллари Комрон мирзо хизматида эди ва ҳозирда Хумоюн мирзонинг суфрани ё боварчиси ҳамда унинг иноят ва лутфини қозонган қиши эди. Шу қиши Комрон мирзо хизматида бўлиш ниятини билдирди.

“Хумоюннома” Комрон мирзонинг кўр қилиниши воқеаси билан тугайди, “Акбарнома” ва “Тазкират-ул Воқеъот”да Комрон мирзонинг Хижозга жўнагани ва ўша ерда уч маротаба

Хаж маросимини бажо келтириб, тўртинчи бор Хаж маросимини адо этаётган вақтида вафот этиб, ўша ерда дафн этилгани, жуда киска килиб ёзилган. Аммо “Тарихи Синд”га таянадиган бўлсак, Комрон мирзо Хумоюн подшоҳдан рухсат олгач, Хижозга караб ҳаракат қилмаган, балки Синдда кайнотаси Шохасан Аргун қошида бир муддат истикомат қилиб, кейинроқ Хижоз томонга йўлга тушган. Қуйида “Тарихи Синд”да ёзилган маълумотни Комрон мирзонинг форсий девони мукаддимасидан фойдаланган ҳолда таржима қилиб келтирамиз:

“Мирзо Комрон яна 1578 йилда келди. Мирзо Шохасан бир неча муддат уни дарё ўртасида Шохпила тоғида жойлаштиради ва Батулани Мирзонинг матбаҳи ва харажати учун тайин ҳамда Фатхбоҳни унинг нузули учун муқаррар қилди. Мирзо Комрон у ердан Хаж қасдини қилди. Шунда Комрон мирзонинг хотини Чучукбегим:

— Мени ҳам рухсат қилсинлар, Мирзо билан кетай, — деди. Мирзо Шохасан рухсат бермай, кўп муболага қилди. Охири Чучукбегим отасидан рухсатсиз кемага қириб, Мирзо Комрон қошига ёлғиз ўзи бормокчи бўлди. Султон Маҳмуд муҳрдор ва бир гуруҳ маҳрамлар қелиб, уни қайтардилар. Мирзо Шохасаннинг ўзи қизининг кемасига қелиб, кўпдан-кўп узрлар сўради. Охири Чучукбегим отасига:

—Хозир ҳалойик “Мирзонинг қизи эрининг итоатини қилмади”, деб мени бадном қилмайдиларми? — деди.

Мирзо Шохасанга бу сўзлар маъқул бўлди. Ночор унга яхши асбоб -анжомлар бериб, қузатди”.

Бу воқеа нимани исботлайди?

Назаримизда, икки ҳақиқатни ошқор қилади:

Комрон мирзо шунчалик маликаси Чучукбегимни севиб, ҳурмат қилиб, вафо кўрсатиб, эъзоз-лаб юрган эканки, маликаси ҳам отанинг уйидаги роҳату фароғат, тинч-тотув ҳаётни тарқ этиб, отасининг буйруғи ва илтимосларига бўйсунмай, кўзи ожиз ва шохликдан тушган эрига эргашиб, сўнги дамгача унинг ҳамдами бўлди. Бу Комрон мирзонинг вафо, садокат ва севгисининг қуч-қудрати нишонасидир.

Чучукбегим эри Комрон мирзодан шунчалик меҳр-садокат, вафо-садокат, айниқса, севгини кўрган эканки, эрга содиқликни ота-онанинг меҳридан устун қўйиб, йўл азоби ва бундан кейинги оддий фақирона ҳаётни, шохона яшашдан афзал билди. Умрининг сўнгигача Комрон мирзонинг ёнида қолди. Ҳамда турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг фироқига чидай олмай вафот этди. Бу эса Чучукбегимнинг олий тарбияси ва ҳурматларга арзигулик сиймоси нишонасидир.

Комрон мирзо Хаж зиёратига мушарраф бўлди, лекин ушбу муборақ жойни тарқ этмади ва умрининг сўнги лаҳзаларигача ўша ерда қолмокчи бўлди. Унинг умри ниҳоялаб қолган эканми ёки Қобулда тугилиб, яшаган, Қобулнинг сўлим ва салқин ҳавосига ўрганиб қолган Комрон мирзога Арабистоннинг жуда иссиқ ҳавоси ёмон таъсир қилдими, уч йил Хаж маросимини бажо келтириб, тўртинчи йили Хаж пайтида Арофат маросимини адо этгандан сўнг, қуёш мағрибга ботаётганда, унинг умр қуёши ҳам сўнди... Комрон мирзонинг вафоти ва дафн маросими ҳақида “Тарихи Синд” қуйидагича маълумот беради:

“Мирзо Комрон ва Бегим (Чучук бегим) Хаж фаризасини адо қилгандан сўнг икки-уч йил Маккаи Муаззамада истикомат қилдилар. Мирзо Комрон Хаж қуни Арофат маросимини адо этиб, офтоб ботмай туриб вафот этди. Чучук бегим ҳам етти ойдан сўнг мангу жаҳонга сафар қилди. Бу воқеалар 1585-йилда содир бўлди”.

“Музаққир Аҳбоб”да Комрон мирзонинг вафоти ҳақида бундай дейилади:

“Ва маркади олийси Гўристон муаллода Хадичайи Кубро Разиллоху анхонинг якинидадур”.

Энди Чучукбегим хакида яна икки огиз маълумот: Чучукбегим Синд хукмдори Шоххасан Аргуннинг кизи, 1574-йилда Комрон мирзога турмушга чиккан эди. Шохасан Аргун бой, хашамат ва куд-ратга эга амирлардан бири эди. Чучукбегим подшоҳликдан тушган, кишилар ёрдамига мухтож бўлиб колган Комрон мирзо билан хамрохлик килмай, отасининг қошида тўкис, фаровон яшай оларди, аммо у севги ва вафони танлаб сафар машаккати ва ўзга юртларда овораликни факатгина турмуш ўртоғи учун танлади. Бу вафоли, мухаб-батли аёл Комрон мирзонинг сўнгги дамларигача у билан хамрох ва хамсухбат эди, кўрар кўзи, гамхўри бўлди. Хаттоки Комрон мирзодан етти ой кейинрок вафот этиб, у дунёда хам Комрон мирзони узок вақт ёлғиз колдирмади.

Шафика ЁРКИН,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети доценти